



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
кељагаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 17 октябрь, № 203 (4866)

Шанба

## ЭЗГУ МАҚСАДЛАРНИНГ АМАЛДАГИ ИЖОБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари, кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 16 октябрь куни Фарғона вилоятига ташриф буурди.

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалари, бой меҳнат ресурслари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Президентимиз раҳнамолигида вилоятни ҳар томонлама тараққий эттиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда жорий йилнинг 9 ойи давомида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиши 6,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пуллик хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқларда барқарор ўсиш таъминланди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурига мувофиқ, экспорт қилувчи корхоналарнинг қўллаб-қувватланаётгани уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Вилоятда бугунги кунда 80 дан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. 49 йирк саноат корхонасида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. 2009 йилда Богдоқ туманида "Фарғона спининг" ҳамда "Chin-chip adli", Бешарик туманида "Kalagoma teks", Фарғона шаҳрида "Корея хана медикал инвест" қўшма корхоналари ишга туширилди.

Жорий йилда вилоятда иккита академик лицей ва 22 та касб-хунар коллежи бунёд этилди, 203 та умумтаълим мактаби таъмирланиб, кўркам кўйфа касб этди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури асосида аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Утган 9 ой давомида 77205 иш ўрни яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 5 майда қабул қилинган "Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори асосида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз Фарғона



шаҳрида барпо этилган Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг янги биносини бориб кўрди. Юртбошимиз бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, талабалар, профессор-ўқитувчилар учун яратилган шароит билан танишди. Университет ўқитувчилари, талаба-ёшлар билан суҳбатлашди.

Бундай замонавий биноларнинг барпо этилиши ёшларимиз келажагига, таълим тизимига давлат томонидан катта эътибор қаратилганлигини амалий ифодасидир, — деди Ислам Каримов. — XXI аср — ахборот асри. Шундай экан, фарзандларимизнинг замонавий ахборот технологиялари, коммуникация соҳасига қизиқиши табиий ва бу қувонарлиқдир. Биз эртанги кунга қатъий ишонч билан қараб, юксак мақсадлар билан яшаётган халқимиз. Интеллектуал бойлик асрида юксак интеллектуал салоҳиятга эга халқ жадал ривожланади.

Янги бино гоят муҳташам, ўқув жихозлари ва таълим жараёнида фойдаланиладиган замонавий техник воситалар билан тўла жиҳозланган. Ахборот-ресурс, компьютер ва тил

ўргатиш марказлари мавжуд. Талабалар ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларидан кенг фойдаланади. Президентимиз ушбу олий ўқув юртининг нуфузини янада юксалтириш, таълим самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар берди. Мамлакатимиз пахта майдонларида йилгим-терим ишлари қизғин давом этмоқда. Юртимиз хирмонининг юксалишида фарғоналикларнинг ҳам салмоқли хиссаси бор. Жорий йилда вилоят миришкорлари 290 минг тонна пахта етказиб беришга бел бошлаган.

Президентимиз Охунбоев туманидаги "Шерзодбек" фермер хўжалигида бўлиб, фермерлар билан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқлар, қишлоқ аҳолисининг турмуши ҳақида суҳбатлашди. Юртбошимиз мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда фермерлик ҳаракатининг аҳамияти катта эканини алоҳида таъкидлади. Фермерлар юрт равнақи, хусусан, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашда ҳал қилувчи кўчга айланди.

— Фермерларимиз энди фақат оддий деҳқон эмас, айни чоғда иқтисодчи, ҳисобчи, ўз ишининг барча жиҳатларини пухта ўзлаштирган ишбилармондир, — деди давлатимиз раҳбари. — Утган йиллар давомида иқтисодиётимиз мустаҳкамланди. Энди янги мақсадлар сари интилишимиз, яъни қишлоқларимизни обод қилиш масаласига кенг эътибор қаратмоғимиз даркор.

Президентимиз "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил баҳарлаш қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишда, қишлоқларни обод этишда, қишлоққа саноатни олиб киришда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Фарғона вилоятида мазкур дастур доирасида 254 километрдан зиёд қишлоқ йўллари таъмирланди, 20,8 километр газ тармоқлари янгиланди, 25 қишлоққа ичимлик суви келтирилди.

Президент Ислам Каримов Қўқон шаҳрига келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 майдаги "Фарғона ва

Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорининг ижроси бўйича Қўқон шаҳрида кенг қўламли реконструкция, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, газ, электр, иссиқлик ва сув таъминотини яхшилаш мақсадида кабеллар ва қувурлар тортилди, зах сувлар қўтарилишининг олди олинди, мактаб, коллеж, институт ва бошқа муассасалар қозонхоналари таъмирланди. "Тез тиббий ёрдам" машиналари парки кенгайтирилди, кўпгина тиббий муассасалар таъмирланди ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳрида янги барпо этилган "Деҳқон бозори"ни кўздан кечирди. Замонавий бозорда деҳқон ўз маҳсулотини бежирим расталарга жойлайди, харидор бозорда бемалол юради ва ўзи истаган маҳсулотни тез ва осон толади. Савдосотик учун зарур назорат-касса машиналари ўрнатил-

ган, электрон тўлов тизими жорий қилинган. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, бошқа турдаги фавулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида бозорга замонавий кузатув-коммуникация тизими ўрнатилган, махсус лабораториялар очилган, тиббиёт хонаси, милиция таянч пункти ишлаб турибди.

Бозорнинг меъморий ечимида замонавий ва миллий-тарихий анъаналар уйланди. Бу ерга келган киши Қўқоннинг қадимий ва айни пайтда замонавий шаҳар эканини яққол ҳис этди. — Юртимиз қадимий обидалар, меъморий ёдгорликларга бой, — деди Президентимиз. — Уларни дунёга кўз-кўз қилиш баробарида, янги-янги иншоотлар барпо этиш, мамлакатимизнинг салоҳиятини мунтазам ошириб боришимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари бозор атрофини янада кўркамлаштириш, дизайнни такомиллаштириш юзасидан тақлиф-тавсиялар берди.

Президентимиз Ўрдада бўлиб, бу ерда амалга оширилган таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Қўли гул уста ва меъморларнинг моҳирона хизматлари туфайли обода бугун гўзал кўйфа касб этди.

Президентимиз Қўқон шаҳрининг маркази масаласига алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, Қўқонда дам олиш масканлари, кўнгилочар жойлар бор. Лекин одамлар, биринчи галда, ёшлар маданый ҳордиқ чиқарадиган замонавий марказ йўқ. Ислам Каримов бундай марказни юзага келтиришга шаҳар аҳлини, аввало, ёшларни кенг жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган кенг қўламли ислохотлар замирида халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу ниятлар мумкин. Фарғона вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ва изчил давом этаётган ислохотлар ҳам бу фикрни яққол исботлаб турибди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,  
Анвар БОБОЕВ,  
Маъсум СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари.  
Сарвар ЎРМОНОВ  
олган сурат.

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING MAJLISI TUGRISIDA AXBOROT

2009 йил 16 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2009 йил 13 февралда республика Хукуматининг мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Мажлисида иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор вазифаларини ва Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди. Иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг жаҳон ҳамжамиятида "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган ва изчил дастури, шунингдек, инқирозга қарши самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини муваффақиятли бартараф этишни, унинг мувозанатли ривожланишини ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаётганлиги қайд этилди.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартиришларни, унинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилашни фаол давом эттириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш жаддаллаштириш, бунини, айниқса, қишлоқ жойларда жаддаллаштириш, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўли билан замонавий, диверсификацияланган ва рақобатбардошли иқтисодиётни шакллантириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари сақланишини таъминламоқда.

Жорий йилнинг 9 ойида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,0 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9,1 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 3,3 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 15,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 33,5 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ЯИМга nisbatan 0,2 фоиз миқдоридagi profitcit bilan ixtir etildi, inflyatsiya darajasi prognoz kursatqichlardan ortiq btlmadi.

Фаол инвестиция сиёсати ва энг муҳим лойиҳаларни амалга оширишни жаддаллаштириш капитал қўйилмалар ҳажмларини 28,3 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмларини 2,1 бараварга кўпайтиришни таъминлади. Жорий йилнинг 9 ойида техник модернизация қилиш бўйича 156 та лойиҳани амалга ошириш тугуланди, 371 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, озик-овқат саноатида 139 та, қурилиш материаллари саноатида 122 та, энгил саноатда ва тўқимачилик саноатида 71 та, машинасозликда 13 та объект фойдаланишга топширилди.

Қўшимча солиқ ва боғжона имтиёзлари бериш, имтиёзли кредитлашни кенгайтириш йўли билан мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари фаолиятини рағбатлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилда қабул қилинган қарорларини амалга ошириш истимом товарлари ишлаб чиқариш ҳажмлари 13,7 фоизга ўсишини таъминлади. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида 2009 йилнинг ўтган даврида маҳсулотларнинг 100 дан ортик янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 баравар кўпайди, 2,6 млрд. АҚШ доллари миқдоридagi импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш таъминланди.

Мажлисида ташқи савдо фаолиятини янада ривожлантириш ва экспорт тузилмасини диверсификациялаш, шу жумладан, бунини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг аънаванавий ва янги ташқи бозорларга фаол кириб бориши ҳисобига амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида мамлакатимизнинг экспорт қилувчи корхоналарини давлат томонидан ёрдам бериш, молиявий қўмак ва кредитлаш орқали қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар ташқи савдо айланмасининг ижобий салъдосини таъминлашга қайд этилди.

Шу билан бирга, "Тошкент трактор заводи", "Агрегат заводи", "Чирчиққишлоқмаш" каби қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, "Узавтосаноат" акциядорлик компаниясининг ва бир қанча бошқа хўжалик бирлашмаларининг корхоналари раҳбарлари фаолиятини маҳсулот таннархисини пасайтириш, маҳсулотларини сотишнинг янги ташқи бозорларини излаш ва ўзлаштириш ҳамда шу асосда товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини кўпайтириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирларнинг етарли эмаслиги учун танқид қилинди.

Уюшмалар, компаниялар ва йирк корхоналар раҳбарларига 2009 йил якунлари бўйича экспортнинг мўлжалланган кўрсаткичларига сўзаси эришиш ва 2010 йилда экспорт ҳажмини янада кўпайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди. Биринчи навбатдаги чора-тадбирлар сифатида маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада оширишни, экспорт қилинадиган товарлар ва хизматлар турларини кенгайтиришни, ташқи бозорларда конъюнктура ўзгаришларига тевлик билан жавоб чораларини кўриб бориш таъминлаш топширилди.

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ МИНТАҚАВИЙ АКСИЛТЕРРОР ТУЗИЛМАСИ КЕНГАШИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2009 йил 16 октябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтерро тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори М. Субановнинг ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижросининг, ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Мажлис иштирокчилари терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиқни такомиллаштириш масалаларини муҳокама этди. Таъкидландики, ШХТ МАТТ фаолияти терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасида замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш имкониятини беради.

ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини амалга ошириш доирасида Хитой Халқ Республикасининг 2009 йил декабрда ташкилотга аъзо давлатлар ваколатли органлари вакилларининг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасида тезкор ахборот алмашиш бўйича мажлисини ўз ҳудудида ўтказишига оид тақлифи қўллаб-қувватланди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКISTON ДЕЛЕГАЦИЯСИ АҚШГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Вашингтон шаҳрида "АҚШ — Марказий Осиё иқтисодий муносабатларини мустаҳкамлаш сари янги қадамлар" мавзусида конференция бўлиб ўтди. Анжуман ишида Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси вакилларидан иборат Ўзбекистон Республикаси ҳамда Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари делегациялари иштирок этди.

Тадбир иштирокчиларини қутлар экан, Америка савдо палатаси вице-президенти Гарри Литман Марказий Осиё делегацияларининг конференцияда иш-

Биз ва дунё

тирок этишини юқори баҳолади ҳамда "Бу Марказий Осиё давлатлари ҳамда

АҚШнинг ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорлиқни ривожлантириш борасидаги қатъиятдан далолатдир", дея қайд этди.

Минтақа давлатларининг улкан иқтисодий ва инсон омиллига оид салоҳияти ҳақида гапирар экан, Г. Литман АҚШнинг ушбу мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришдан жиддий манфаатдор эканини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).



## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини комиссия Раиси М. Абдусаломов олиб борди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 11-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари

сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепцияга асосан, Марказий сайлов комиссияси ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кўнунчилик палатасига депутатлар сайло-

вини ўтказувчи 135 та округ сайлов комиссиясини тuzиш ва уларнинг шaxсий таркибин тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Юқоридан ном қайд этилган Қонуннинг 16-моддасига

мувофиқ округ сайлов комиссиялари таркибига номзоди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида кенг муҳокама қилинган ва Марказий сайлов комиссиясига тавсия этилган жамоатчиликнинг обрўли вакиллари кирди. Муҳокама қилинган маса-

ла юзасидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кўнунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тuzиш ва уларнинг шaxсий таркибин тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Округ сайлов комиссиялари

аъзоларининг рўйхатлари комиссияларнинг манзиллари ва телефон рақамлари кўрсатилган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади. Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тевгишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА).



ЖАҲОН 24 соат ичида Нотинчлик кузатилди

Ушбу ҳафтада Покистонда бир қатор террорчилик ҳаракатлари содир этилди.

Мамлакатнинг бир неча ҳудудда амалга оширилган кўпорувчиликлар оқибатида тинч аҳоли вакиллари ҳалок бўлган. Жумладан, Пешавор, Лахор, Қоҳат шаҳарларидаги полиция маҳкамаларига ҳужум уюштирилган. Шунингдек, террорчилар жойлашиб олган Шимолий Вазиристон музофотида ҳам қалтис вазият юзага келган.

Кема гаровга олинди

Сомалилик қароқчилар Сингапур мамлакатига тегишли юк кемасини гаровга олган.

Бу ҳақда "France Presse" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Келтирилишича, кема гаровга олинган вақтда унда 21 нафар экипаж аъзоси бўлган. Таъкидлаш жоизки, ўтаётган ойда сомалилик қароқчилар анча фаллашиб қолди. Улар Сингапур юк кемасини гаровга олгунга қадар Испания, Тайван, Украина, Германия ва Туркия мамлакатларига тегишли кемаларга ҳужум уюштиришганди.

64 йилдан кейин келган хат

Буюк британиялик аскар Чарльз Флеминг томонидан Иккинчи жаҳон уруши йилларида ёзилган хат орадан 64 йил ўтиб, кўрсатилган манзилга етиб келди.

"BBC" хабарига айтилишича, Чарльз ушбу номани Италияда ҳарбий хизматда бўлган чоғида онасига ёзган экан. Қироллик почта хизмати томонидан маълум қилинишича, ўша пайтда хатнинг номаълум сабабларга кўра эътибордан четда қолиб кетгани кечикишга олиб келган.

Рақобатчилар фойдасига

Мобиль телефонлари ишлаб чиқариш бўйича дунёнинг етакчи компанияси саналган "Nokia" катта миқдорда зарар кўрганини маълум қилди.

Бу ҳолатдан қорхонанинг асосий рақобатчилари ҳисобланган "Apple", "iPhone", "RIM" компаниялари унумли фойдаланишган ва "Nokia"нинг уяли алоқа бозоридagi улушини 41 фоиздан 35 фоизга камайтиришга муваффақ бўлишган.

Экспертлар томонидан маълум қилинишича, "Nokia"нинг бу инқирозни унинг қимматли қозғалар бозоридagi мавқеига ҳам таъсир кўрсатган. Қорхона бу ерда ҳам 7,8 фоиз улушини йўқотган. Таъкидлаб ўтамиз, компания сўнгги ўн йиллик фаолияти давомида иқтисодий зарарга дуч келмаганди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши молия муассасалари фаолиятига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Бугун республика-мизда бутун дунёни қамраб олган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида аниқ ва узокни кўзгалар режалар ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиб улкан ижобий ўзгаришларга эришилаётгани, бунинг натижасида аҳоли турмуши янада фаровонлашиб бораётганида банкнинг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор.

ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ ХИЗМАТ туфайли Халқ банки мижозлари сафи кенгаймоқда

Дарҳақиқат, биргина жорий йилнинг ўтган даврига назар ташлайдиган бўлсак, республика-миз банк-молия тизимидаги ислохотлар ўз самарасини кўрсатётганига гувоҳ бўламиз. Давлат-тижорат Халқ банкининг Тошкент вилояти филиали томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бунга яққол мисол бўла олади. Албатта, мазкур банк жамоасининг фаолиятида Президентимизнинг бир қатор Фармон ва қарорлари дастуриламал вази-фасини ўтамоқда. Хусусан, "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликлариди чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга асосан, ўтган ойлар да-вомида филиал томонидан 2 557 нафар фуқарога 1875,6 миллион сўм миқдориди кредитлар берилгани, "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон ижросини таъминлаш мақсадида эса ёш оилаларга уй-жой сотиб олишлари учун 958 миллион сўм, 155 та оилага 937,4 миллион сўм истеъмол кредитлари ажратилганлиги бунинг тасдиғидир.

"Ал-Абдусалом" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Сайёра Сулаймонова Халқ банкининг молиявий кўмагидан мамнун эканлигини изҳор этиб, шундай дейди: — Эгу ишлаб рўёби йўлида банк бизни молиявий қўллаб-қувватлаб келмоқда. Унинг кўмагида, масалан, 500 ўринли маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини қуриб, фойдаланишга топширдим. Яқинда яна банк филиалидан олган кредит эвазига хориждан нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи технология келтириб ўрнатдим. Хозирда бу ерда кишлоқ аҳолисининг сифатли нон ва қандолат маҳсулотла-

таъминлангани ҳам таҳсинга лойиқдир. — Юртимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий тамойилларидан бири, бу — кексаларга гамхўрликдир. — дейди Халқ банки Тошкент вилояти филиали раисининг биринчи ўринбосари Зайниддин Отаев. — Ис-



Шунингдек, кичик бизнес, деҳқон ва фермер хўжалиқларини ривожлантириш мақсадида 20296,6 миллион сўм миқдориди маблағ ажратилиши туфайли вилоятда, айниқса, чекка-чекка кишлоқ жойларда минглаб янги ёш ўринлари яратилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ёшларнинг доимий иш билан банд бўлиши-ни таъминламоқда.

Кўйи Чирчик туманидаги "Ўзбекистон 5 йиллиги" тажриба хўжалиги ҳудудиди жойлашган-рига бўлган аҳтиёжини тўла таъминлашга ҳаракат қилаёلمиз. Энг муҳими бу орқали 30 га яқин кишлоқ ёшлари доимий ишга жалб этилди.

Бундан ташқари, "Кишлоқ тарраққийти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига мувофиқ, филиал томонидан фақатгина кишлоқ жойларда тадбиркорлик-ни ривожлантириш учун 3148 миллион сўм миқдориди маблағ ажратилгани, пировардида 500 нафарга яқин ёшнинг иш билан йилда филиалимиз кишлоқ жой-ларда фаолият юритаётган мав-жуд 167 та шохобчага қўшимча равишда яна 156 та шохобча ташкил этди, 458 нафар ҳодим пенсия тўловини тарқатиш бўйи-ча ишга жалб қилинди.

коммунал тўловлари қабул қилин-ди. Бу йил бошидаги нисбатан 24329,4 миллион сўм кўпдир. Яна бир эътиборли жиҳати, филиал томонидан мижозларга жорий йилдан бошлаб 6 ойлик "Ижтимоий кредит" хизмати ҳам тақдим этилаётир. Бу хизматдан фойдаланган мижоз, яъни пенсия



ва нафақа олувчилар 3 ойдан 6 ойгача нафақаларининг ҳажми миқдориди ижтимоий кредитдан фойдаланиб, юртимизда ишлаб чиқарилган уй жиҳозлари сотиб олишлари ёки маблағдан бошқа мақсадларда фойдаланишлари мумкин. Шу кунгача 1523 нафар нафақа ва пенсия олувчилар 905,9 миллион сўмликдан ортиқроқ ижтимоий кре-дитдан фойдаланишди.

таси кундалик турмушимизнинг ажралмас қисмига айланиб ул-гурди. Бу, табиийки, молия му-ассасалари зиммасига масъули-ятли вазифаларни юклатётир. Шуни ҳисобга олиб, улар энди-ликда аҳолининг ушбу хизмат ту-ридан фойдаланишларини таъ-минлаш мақсадида астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Бизга пул керак бўлган тақдирда, олти ойлик пенсия ҳажми миқдориди имти-ёзли кредит олишимиз мумкин-лиги жуда маъқул, — дейди пар-кентлик отахон Фуқрат Шамси-ев. — Энг асосийси, бунда ҳеч қандай оворагарчилик йўқ. Бир-

Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосиди ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тад-бирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ҳам Халқ бан-кининг Тошкент вилояти ҳудудий филиалларида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йил бошида Халқ банкининг аҳоли қўлидаги пластик карточ-калари сони 12 минг 340 тани ташкил этган бўлса, бугунга ке-либ, бу кўрсаткич 21 минг 307 тага етди. Аниқроғи, пластик кар-точкалардан фойдаланувчилар сони 8 минг 967 тага кўпайди. Ўз навбатида, банк терминаллар-ининг сони ҳам йил бошидан буён 112 тага кўпайиб, 352 тани ташкил қилди. Шунингдек, пла-стик карточкалар орқали пул айланмалари йил бошида 2571,3 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ўтган 9 ой давомида 13335,4 миллион сўмга етди.

тиқлол йилларида кексалар ва кам таъминланган оилаларга гам-хўрлик кўрсатиш, уларни ижти-моий ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишларни такомил-лаштириш мақсадида жорий

Албатта, буларнинг барчаси аҳолига олди-сотиди ишларини амалга оширишда қулайликлар яратмоқда. Халқ банки филиали хизмат-лари ичида яна бир қулайлик — бу вилоят бўйича 139 та тезкор "Ўз тўлов" шохобчаси очилгани-дир. Бу хизмат тури орқали аҳолидан коммунал алоқа ва бошқа тўлов турларидан йилнинг ўтган даври мобайнида жами 254,2 миллион сўм миқдориди нақд пул қабул қилинди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Давлат-тижорат Халқ банкининг Тошкент вилояти филиали ҳодимлари ўзларининг қулай ва самарали хизматлари билан барча мижозларни мам-нун қилмоқдалар. Уларнинг асосий мақсади келгусида хизмат турларини янада кўпайтириб, эл ишончини тобора мустаҳкам-лашдир. Зеро, барқарор хизмат ишонч омилдир.

Биласиз, кечагина пластик карточка ҳаётиимизда янгилик эди. Бугун эса ушбу тўлов воси-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ 2009 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун куйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантура ва докторантурага қабул эълон қилади: АСПИРАНТУРА 1. Иқтисодий назария 2. Макроиқтисодиёт 3. Индустрал тармоқлар иқтисодиёти 4. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти 5. Эконометрика ва статистика 6. Молия, пул муомаласи ва кредит 7. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит 8. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар 9. Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисодиёти 10. Хорижий мамлакатлар иқтисодиёти 11. Менежмент ва маркетинг 12. Иқтисодиётда ахборотлар тизими ва технологиялари 13. Этика 14. Ижтимоий психология; этнопсихология 15. Ўзбекистон тарихи ДОКТОРАНТУРА 1. Менежмент ва маркетинг 2. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти Хужжатлар 2009 йил 20 октябргача қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 49-уй, ТДИУ, илмий тадқиқот ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими. Телефон: (8-371) 232-61-77.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-сонли қарорини бажариш мақсадида «O'zbekenergo» DAK «Namangan elektr tarmoqlari» OAJ танловда қатнашишга таклиф этади. Танлов номи — Наманган вилояти, Наманган шаҳрида истеъмолчилардан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови. Танлов ўтказишнинг асосий шартлари: танлов очик турда ўтказилади. Унда хусусий операторни ташкил этиш ва ушбу операторга оқлатиладиган вазибалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади. Хусусий оператор фаолият юритиши учун таклиф этилаётган ҳудуд: Наманган вилояти, Наманган шаҳри. Танлов ташкилотчиси — «Namangan elektr tarmoqlari» OAJ. Инвесторга қўйиладиган асосий талаблар: инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудиди электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудиди берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасиди бажарилиши юзасидан банк кафолати; танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш. Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва мuddати: Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш мuddати тугагунга қадар давом этади. Таклифлар беришнинг сўнгги мuddати — 2009 йил 15 ноябрь соат 17.00 гача. Танлов ўтказиш мuddати — 2009 йил 16 ноябрь соат 10.00 да. Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисиға куйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган, инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси; давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиш ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси; давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нориал таъдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари; инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳақда иккиламчи ҳисоб рақамлари, картотека (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома; инвестор «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслиги тўғрисида маълумотнома; инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари томонидан берилган маълумотнома. Куйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди: танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган мuddатда тақдим этмаган; тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган; танлов эълон қилинганга қадар бир йилдан кам мuddат ичида таъсис этилган; «Ўзбекэнерго» ДАК ва/ёки унинг корхоналари билан суд ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида бўлган. Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби (олдиндан тўлов). Танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва «Namangan elektr tarmoqlari» OAJнинг куйидаги ҳисоб рақамига танлов ҳужжатлари учун тўлов суммасини ўтказадилар: 20210000300510058000, «Ўзсанокўриулишбанк» Наманган филиали, МФО: 00224, СТИР: 200048685, ОКОНХ: 11170. Танловда қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун суровнома билан «Namangan elektr tarmoqlari» OAJга куйидаги манзил бўйича мурожаат этиш лозим: Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 8-уй. Мулоқот учун телефонлар: (8-369) 226-24-41, 226-48-52. Факс: (8-369) 226-26-31, 226-56-79. Танлов ҳужжатлари тўпламини юқориди кўрсатилган манзилдан қайтариб берилаётган энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдориди сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин. Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдориди бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим. Танлов ҳужжатлари тўплами учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари таққилланади. Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисиға танлов таклифларини қабул қилиш мuddати тугагунга қадар ҳар кун и маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ! РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2009 йил 2 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказиладиган объект бошлангич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдоларига куйидаги объект қайтадан қўйилганлигини маълум қиламиз: 1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2009 йил 20 январдаги 2-164-08-сонли ижро варақасига асосан, суд ижрозчилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Алишер Навоий (Мустақиллик) кўчаси, 29-уйда жойлашган: а) 3 қаватли «Зебо» маиший хизмат кўрсатиш уйи биноси. Майдон 2003,21 м², курилиш ости майдони 548,32 м². Бошлангич баҳоси — 926 640 000 сўм. Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкнинг такрорий аукцион савдоси шу йилнинг 23 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказилади. Ушбу мулк билан тегишли суд ижрозчилари бўлими вакили ёки биржа вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларини қабул қилиш савдо бошланишиға бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар объект бошлангич баҳосининг 10 фоизи миқдориди закалат пулини тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг АТБ «Ўзсанокўриулишбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404460401001, МФО: 00317, СТИР: 206074208. Манзилими: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси (ишлов бошқармаси биноси, 1-қават, 1-хона. Телефонлар: (8-366) 234-06-38.

21 октябрь — «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонуни қабул қилинган кун»

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги ва Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганлиги натижасида она тилимиз нуфузи ошди. Ўзбек тили мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маданий ва маърифий ҳаётида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Тил, асосан, ўз ички имкониятлари негизда ривожланади. Шу билан бирга, турли иқтисодий, маданий алоқалар тўғрисидаги четдан сўз олиш, уни ўзлаштириш дунёдаги барча тилларга хос хусусиятдир. Бир неча асрлар давомида тилимизга жуда кўплаб араб-форс ва Европа сўзлари кириб келганлиги сабабли ўзбек тили лугати бойиди. Четдан кириб келган атамаларнинг асосий қисми фан-техника тараққийоти ва бошқа ахтиёрлар билан боғлиқ равишда қабул қилинган.

Маъзур жараён ҳозирги вақтда ҳам давом этиб келяпти.

қонунларда ҳам учрайди. Биз уни яна "ҳибсхона" деб қўлай олмаيمиз.

Жумлаларнинг фақат битта маъноси аниқлаштирилади, яъни қонунда ифодаланган норманинг турлича талқин этилишига йўл қўймаслик асосий принциплардан биридир. Бу борада ҳоҳида муаммога дуч келамиз. Масалан, кўйидаги жумлага эътибор беринг: "Товар белгисига доир ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома Патент идораси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади". Бу жумладан икки



Буюк соҳибқирон Амир Темур даврига келиб Самарқанд жаҳон тамаддунининг энг йирик марказига айланди, тиббиёт, фалақий, математика сингари ўнлаб соҳаларда улкан муваффақиятлар бешиги бўлди. Ўзининг бетакрор ва маҳобатли тарихий обидалари, мезморчилик, ҳунармандчилик ва тасвирий санъат намуналари билан дунё аҳлини ҳайратга солди. Аммо жаҳон нигоҳидаги хайратлар шахрини замонлар бўҳронидан сақлаш, асрлар билан юзлашган тарихий обидаларни келгуси авлодларга ўз ҳолига етказиш осон кечмади. Инсоният тафаккурининг бемисл ютуқларини ўзида ҳам этган не-не осориатқалар шўролар даврида қаровисиз қолдирилди. Оқибатда улар нураб, афтоҳдаҳол бўлиб қолди. Шукрлар бўлсинки, Истиқлол тўғрисида бебаҳо меросимизни қайта тиклаш имкониятига эга бўлди.

Самарқанднинг бошқа шаҳарлардан яна бир фарқи жиҳати унинг ҳақиқий байрамларга татиғулиги ўз насани борлиғидир, — дея тўқилганлиги фикр билдирди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими Абди Эрқаев. — Истиқлол шарофати билан 1996 йилнинг 18 октябрида Амир Темур хайкалининг очилиш маросимидан мамлакатимиз Президенти кўҳна шаҳарнинг шонли тарихи, Амир Темур ва

Истиқлол тўғрисида қадимий осориатқаларнинг асл ҳолига қайтарилиши, янги-янги замонавий иншоотларнинг бунёд этилиши, кўчаларнинг кенгайтирилиши, сўлим боғ-роғларнинг барпо қилиниши Самарқанд шахри қиёфасини бутунлай ўзгартириб юборди.

Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва тараққий этишида бу кўҳна шаҳарнинг муҳим ўрин тутганлиги тарихдан маълум.

# ЎТМИШИ ШАРАФЛИ, БУГУНИ САОДАТЛИ, КЕЛАЖАГИ АБАДИЙ

темурийлар давридаги қиёфаси ҳақида гапириб, Самарқандга "Ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳар" дея таъриф берди. Бу кўҳна Самарқандгагина эмас, бугун миллатга, унинг улуг аждодлари шонли ўтмиши ва халқимизнинг саодатли бугунига берилган баҳодир. Шаҳарнинг

фати билан кўришга мушарраф бўлди. Бу ердан Гўри Амир ва Рўҳобод мақбараларига туташ тўрт гектарлик янги хиёбонда бир мўъжиза — зилол сувли чашма кўз очди. Бир ёнда эса булоққа ҳамроҳанг "Шарқ тароналари" фаввораши жололанади. Кўҳна шаҳарда ҳар икки йилда ўтказилаётган "Шарқ

## 18 октябрь — Самарқанд кун

2007 йилда нишонланган 2750 йиллик тўйи тантаналари ҳам бир умр ёдимиздан кўтарилмади. Тўй баҳона узок хориждан келган меҳмонлар ҳам Самарқанд билан тўйиб-тўйиб дуйдорлашди, унинг кечаси билан бугунини асло таққослаб бўлмаслигини айтиб, асрий обидалари қошида ҳайратланишди. Биз мана шундай муаззам шаҳарда яшаётганимиз билан фахрланамиз, албатта.

Дарҳақиқат, эндиликда шаҳарнинг қиёфаси бутунлай янгилашиб борапти. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Самарқанд шахрини ривожлантиришнинг 2025 йилгача бўлган бош режаси ишлаб чиқилган, бу ернинг кўҳна шаҳар қисми бекбёс манзара касб этди.

— Регистондан Университет хиёбони томонга ҳар кун неча бор ўтиб-қайтамиз, — дейди "Он фал мавзавий тарғиботчи" республикаликнинг очилиш маросимидан мамлакатимиз Президенти кўҳна шаҳарнинг шонли тарихи, Амир Темур ва

тароналари" халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари учун бу фаввора ҳам азиз, ҳам қадрли.

Бугун шаҳарда бўлган киши унинг барча худудларида қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишларининг авж олганига гувоҳ бўлади. Масалан, шаҳарнинг ҳаво дарвозаси — аэропорт биноси ва худуддаги бинолар реконструкцияси, йўлларни таъмирлашдан тортиб, замонавий ёритиш ускуналари ўрнатилиши, кўчаларнинг яшиландириши, йўлларни таъмирлашдан тортиб, замонавий ёритиш ускуналари ўрнатилиши, кўчаларнинг яшиландириши асосида амалга оширилмоқда.

Шаҳар кўчаларида замонавий янги бекатлар пайдо бўлди. Қувончлисизли, улар "Кинап" заводи мутахассислари томонидан бунёд этилган. Ёрқин нур таратаётган сивофорлар

Хуллас, азалдан дунё нигоҳида бўлган кўҳна Самарқанд Истиқлол тўғрисида яшариб, яшнаб бормоқда. Бу заминда амалга оширилаётган эзгу ишлар эса унинг келажакда дадил одимлаётганидан дарак беради.

**Теннис**  
Пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари теннис мактаби қорларига давом этаётган "Challenger Tashkent 2009" халқаро турнирида ҳамюртимиз Денис Истомин муваффақиятли иштирок этмоқда.

## ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР МАЪЛУМ

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг биринчи рақами теннисчи учун жорий мавсум муваффақиятли келди. У "Катта дубулга" туркумига кирувчи тўртта йирик халқаро турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. Бундан ташқари, бошқа бир қатор нуфузли мусобақаларда совриндорлар сафидан жой олиб, муҳим рейтинг оққолларини жамғаришга муваффақ бўлди. Денис бундан бир hafta муқаддам Монсе (Бельгия) шахрида яқунланган "Челленжер" туркумидаги халқаро мусобақанинг жуфтлик беллашувида россиялик Евгений Корольев билан ҳамкорликда фарҳли биринчи ўрнини кўлга киритди.

Денис кеча бўлиб ўтган чорак финал беллашувларида украинлик Сергей Стаховскийга қарши қорға чиқиб, 6/4, 7/5 ҳисобида зафар кўчди ва ярим финал йўлнамасини кўлга киритди.

Сергей Стаховский билан бир неча бор кўч синашганимиз, — дейди Д. Истомин. — Унинг ўйин услубидан ҳам ахши хабардор эдим. Шу сабабли баҳса пухта ҳозирлик қурдим. Натихида галаба қозондим. Насиб этса, ярим финал ва финал баҳсларида ҳам зафар кўчиб, йил охиригача ATP рейтингидега кўчли эллитикаликка киришга ҳаракат қиламан.

Шунингдек, словакиялик Ласко Лукас, украинлик Александр Долгополов ва кипрлик Маркос Богатис ҳам ярим финал йўлнамасига эга бўлдилар.

Юртдошларимиз Рифат Биктяков ва Сарвар Икромов жуфтлик баҳсларида майдонга тушдилар.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

**Абдураул САТТОРОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

# ОНА ТИЛИМИЗ НУФУЗИ

Чунки истиқлол тўғрисида мамлакатимиз дунё ҳамжамиятига қўшилди, иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар ривожланмоқда. Бундай алоқалар тўғрисидаги четдан сўз олиш, уни ўзлаштириш дунёдаги барча тилларга хос хусусиятдир. Бир неча асрлар давомида тилимизга жуда кўплаб араб-форс ва Европа сўзлари кириб келганлиги сабабли ўзбек тили лугати бойиди. Четдан кириб келган атамаларнинг асосий қисми фан-техника тараққийоти ва бошқа ахтиёрлар билан боғлиқ равишда қабул қилинган.

Мустақиллик йилларида миллий қонунчилигимиз ўзбек адабий тили замирида шаклланди, ҳозир ҳам ана шу негизда тараққий этиб бормоқда. Биз, одатда, ўзбек тили қонунчилигининг қонунчилиги билан қонун-қондаларига бўйсундиришга интиламиз. Лекин, аслида, бунинг акси бўлиши керак. Яъни, қонунчилик текникаси ўзбек адабий тили қонунчилигига амал қилиши, ундан четга чиқмаслиги лозим.

Бугунги кунда қонунларнинг тили, стилистикаси, юридик атамаларнинг қўлланилиши билан боғлиқ ҳолда юзага келаятган муаммоларни ҳал этишнинг асосий омилларидан бири ҳам ўзбек тилини, ҳам хорижий тилларни мукамал билладиган, ҳуқуқ илмини пухта эгаллаган ва ўзбек тилида қонун эса оладиган мутахассислар сафини оширишдан иборатдир. Бу борада тегишли ўқув юртрафларида ана шундай мутахассислар тайёрлашга эътиборни янада кучайтириш зарур. Бундай мутахассисларни тайёрлашда уларнинг тилшунослик ва ҳуқуқшуносликка оид билимлар уйғунлаштирилган равишда ўқитилиши мақсадга мувофиқдир.

Амалийотда қонун лойиҳаларини тайёрлаш, юридик атамаларни қўллашда, асосан, қўйидаги принциплар муҳим саналади. Ўзбек адабий тили қонунчилигига амал қилиш, қўлланилаётган атамаларнинг моҳиятига эътибор бериш, атамалардан юридик амама сифатида фойдаланишда уларнинг лугавий маъносини аниқлаш ва бунда ҳафса-ласалика йўл қўймаслик. Масалан, "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокама-си чоғида "пространство" сўзининг ўзбекча "бушлик" деган мубобили бўйича баҳс бўлди. Даставвал, бу тушунгани ўринли сўз билан ифодалаш учун ўн олти йил мобайнида қабул қилинган барча қонунларни кўриб чиқдик ва уларда "пространство" сўзи ўзбек тилида қандай ифодаланганини ўргандик. Бундан ташқари, ўзбек ва рус тилларининг изоҳли лугатларига, ўзбекча-русча, русча-ўзбекча лугатларига мурожаат этиб, ниҳоят "жаво ҳудуди" иборасида тўхталдик. Айнан бу сўзни танлашда контекстан келиб чиққан ҳолда ёндашилди.

Қонунлар тилининг аниқ, ҳақчилик, барча учун тушунарли бўлишига эришиш муҳимдир. Атамаларнинг қўлланилишида шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бир қонун доирасида қабул қилинган муайян сўз бошқа қонун учун тўғри келмаслиги мумкин. Масалан, рус тилидаги "изолятор" деган сўз жиноятга доир қонунларимизда "ҳибсхона" деб қўлланилган. Лекин бу сўз соғлиқни сақлашга оид

Шунингдек, қонуннинг умумий қондалар бўлимида амама ва ибораларнинг айна шу қонун доирасида тушуналиши лозим бўлган таърифини бериб бериши доимий амалиётга айлантириш мақсадга мувофиқ. Халқаро атамалар борасида эса, агар ўзбек тилида уларнинг мазмунини тўлиқ ифодалай оладиган сўз топилмаса, уларнинг ўзини қўллаш ва бунда албатта шу атамаларнинг изоҳини бериш ўринлидир.

Тилимизга Давлат тили мақоми берилиши ҳозирги ўзбек тилининг ҳар томонлама шаклланиши ва ривожланиши учун муҳим қонуний асос бўлиб хизмат қилмоқда. Тил қанчалик кўп қўлланилса, унинг амал қилиш доираси ҳам шунчалик кенгайган, бу эса тилининг нуфузини янада ошириш имкониятини яратди.

**М. САФАЕВА,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик полатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси раиси.  
**С. ЖўРАВА,**  
комиссия котиби.

**ХЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

## «АСАКА» банки (ОАЖ)

сизларга қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:**

- «СИЁЛИ»  
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 34 фоизгача даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).
- «ТОШКЕНТ — 2200»  
Сақланиш муддати — 1 йил, омонат бўйича йиллик 29 фоиз даромад ҳисобланади.
- «ИШОНЧЛИ»  
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 27 фоиз даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган кун берилади.
- «СТУДЕНТЛАР УЧУН»  
Сақланиш муддати — 4 йилгача, омонат бўйича йиллик 38 фоизгача даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар ўқиш тўловлари учун йўналтирилади (институт, университет).

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ:**

- «УНИВЕРСАЛ» АҚШ долларларида  
Сақланиш муддати — 6 ой, омонат бўйича йиллик 10 фоиз даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар омонат очилган кун берилади.

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

1. Тошкент шаҳри филиали	(371)	120-83-13
2. «Автотранспорт» филиали	(371)	120-39-95
3. Шайхонтоҳур филиали	(371)	140-39-36
4. Юнусобод филиали	(371)	225-16-46
5. Сергели филиали	(371)	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	(371)	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	(374)	224-40-96
8. Асака филиали	(374)	233-13-69
9. «Фарҳод» филиали	(374)	229-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	(373)	224-70-83
11. Маргилон филиали	(373)	237-12-37
12. Олтириқ филиали	(373)	432-10-11
13. Қўқон филиали	(373)	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	(369)	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	(436)	223-54-32
16. Зарафшон филиали	(436)	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	(365)	223-71-94
18. Бухоро шаҳри филиали	(365)	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	(366)	231-08-86
20. «Афросиёб» филиали	(366)	234-17-96
21. Қашқадарё вилояти филиали	(375)	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	(376)	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	(361)	223-72-47
24. Хоразм вилояти филиали	(362)	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	(367)	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	(372)	226-43-11

**БАРЧА ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ва тасаруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- мақдори чекланмаган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ

### ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

аспирантурага 2009 йил учун

**24.00.00 «Шарқшунослик фанлари» мутахассислигининг қуйидаги йўналишлари бўйича кундузги бўлимга қабул эълон қилади:**

- 24.00.01 — «Диншунослик назарияси»
- 24.00.02 — «Ислом тарихи ва манбашунослиги»
- 24.00.03 — «Ислом ҳуқуқшунослиги».

**Ҳужжатлар эълон чиққан қундан бошлаб 1 ой давомида қабул қилинади.**

**Кириш имтиҳонлари 2009 йил 20 ноябрдан бошланади.**

**Керакли ҳужжатлар:** олий ўқув юрти ректори номига ариза, шахсий варақа, таржимаи ҳол, иш жойидан тавсифнома, мутахассислик бўйича реферат, рефератга бўлгуси илмий раҳбар томонидан ёзилган тақриз, диплом ва баҳолардан нусха, паспорт ва меҳнат дафтарчасининг нусхаси, тиббий маълумотнома (Ф-У086), тураржойдан маълумотнома, расм (3х4, 4 дона), конверт, тизтиккич.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Абдулла Қодирий к., 11-уй, 2-қават, 201-хона. Телефонлар: (8-371) 244-00-91, 241-18-09.

## «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**233-10-20**  
**236-09-25**  
**232-10-63**  
242-хона

Тошкент молия институти ректорати ва бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Ўзбекистон тарихи кафедраси профессори Маҳмуджон Солиқовга турмуш ўртоғи **Салима СОДИҚОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси телерадиокомпания музейи мудири Абдулжалил Тулагановга турмуш ўртоғи **Дилбар ТўЛАГАНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенаги Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоқи келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳриратта келган кўлемлар таъриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳрират жавобгар эмас.

Газета таҳрират компьютер марказида терминал ҳамда операторлар Ж. Тоғева ва М. Бегмуртов томонидан саҳифаланган.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА ақуни — 22.40 Топширилди — 00.20 12 45

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Кутбидинов.  
Навбатчи — Ф. Абилов.  
Мусахҳух — Ш. Машраббев.